

# НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СИФАТЛАРНИ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

Ҳабибулло Абдуллаевич Байманов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

доценти ф.ф.док.(PhD)

Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос хусусиятларни ифодаловчи сифатлар қиёсий таҳлил этилган. Бу икки тилда инсон характериғи англатувчи сифатларнинг бажарадиган вазифаларига кўра бир-бириға яқинлиғи уларни морфологик, синтактик, прагматик, когнитив-коммуникатив, лексик-семантик ҳамда комплимент концептив хусусиятларини қиёсий тадқиқ қилишнинг аҳамиятини оширади.

**Калит сўзлар:** сифатлар семантикаси; лексик-семантик гуруҳ; семантик таснифлаш; инсон характериға хос сифат лексемалар; псевдосифатдошлар; ўзлаштирма сифатлар.

В статье проводится сравнительный анализ лексем прилагательных, представляющих специфические особенности характера человека в немецком и узбекском языках. Близость этих двух языков в соответствии с задачами описания человеческого характера увеличивает важность сравнительного изучения морфологических, синтаксических, прагматических, когнитивно-коммуникативных, лексико-семантических и комплиментных концептуальных особенностей.

**Ключевые слова:** семантика прилагательных; лексико-семантическая группа; семантическая классификация; лексемы прилагательных свойственный характеру человека; псевдопричастие; овладение прилагательные.

This article discusses a Contrastive analysis of features of lexeme-adjectives, describing the character of the person in German and Uzbek languages. The function are similar. In particular, it is important to study them in morphological, syntactic, pragmatic, cognitivecommunicative, lexical-semantic and classification of concept compliment properties.

**Keywords:** semantics of adjectives; the group of lexem-semantic; semantic classification; semantic lexeme-adjectives of human; pseudoparticip; mastering of adjectiv.

Мантикий рефлексиялар тўғрисидаги таълимотга асосан барча тушунчаларнинг моҳияти қиёсий йўл билан аниқланиши мумкин.

Инсон ўз интеллектуал салоҳиятининг ривожланиши тарихида санамокни ўргангандан кейин қиёсламокни ҳам яхши ўзлаштира олди [3; 41]. Қиёслаш маданият билан, маданият эса қиёсламоқ билан ҳамоҳанг, чунки қиёслаш кенг маънода умулаштириш ва фарқламоқ демакдир. Таниқли олим ва ёзувчи О.Мандельштам ўзининг “Данте билан суҳбатда” номли асарида: “Мен қиёслаяпман, демак мен тирикман [2; 93]” деган эди. М.Фуконинг таърифлашича, қиёслаш – “аниқлашни тақозо қиладиган, тафаккурни бойитадиган, билиш ва англашни чархлайдиган энг универсал, энг оддий, шу билан бирга энг мураккаб элементдир”[4; 101].

Тилларни қиёсий ўрганиш орқали турли лисоний ва нолисоний қонуниятлар юзага чиқади. Шунинг учун немис ва ўзбек тилларидаги сифат сўз туркумига оид сўзларнинг морфологик, синтактик ва семантик, когнитив-коммуникатив ва прагматик хусусиятларини қиёсий тадқиқ қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади [1; 17].

Немис тилида ҳам сифатлар ўзбек тилидаги каби бирон бир феъл билан боғланган бўлиши мумкин. Масалан, *Von Tag zu Tag wird er bleich und bleicher*. – Унинг ранги кундан кунга докадек оқариб борар эди. *Jeder übte fleißig eine Kolter*. – Ҳар бир одам тиришқоқлик билан одеяло тўқишни машқ қиларди. *Es ist sonnig* – Күёшли. *Das Kafee war vollig leer* – Кафе бўм-бўш эди. Ушбу сифатлар феълга тобе ва гапда феъл-кесим (бўлаги) кенгайтирувчиси вазифасини бажаради<sup>1</sup> [7; 194].

---

<sup>1</sup> Немис тили фундаментал грамматикаси (Grundzüge einer deutschen Grammatik)да ушбу гап бўлаги – Verbergänzung, яъни “феъл-кесим гап бўлагининг маъно кенгайтирувчи шериги” деб тушунтирилган.

Немис тилидаги кўпчилик нисбий сифатлар борки, улар турланиш хусусиятига эга эмас. Уларнинг кўпчилиги фақат аниқловчи вазифасида қўлланади.

Ўзбек тилида нисбий сифатлар ўз хусусиятига эга. Улар интенсив формада қўлланилмайди ва кўшимчалар олмайди.

Немис тилида сифатлар отларнинг родини ифодалаб ундан олдин қўлланилади, масалан: *Schöner Tag*, *schwarzer Tisch*, *weisser Wagen*, *kleines Kind*, *schöne Blume*. Мазкур мисолларда сифатлар отнинг родини, артиклини аниқлаб келмоқда. Туркий тиллар қатори ўзбек тилида ҳам род категорияси мавжуд эмаслиги сабабли, сифатларнинг юқоридаги каби хусусияти кузатилмайди.

Немис тилида сифатлар ясалиши(шакли)га кўра учга бўлинади:

1). Оддий сифатлар (масалан, *gut* – яхши, *schön* – чиройли, *weiß* – оқ, *schwarz* – қора, *rot* – қизил ва ҳакозо.

2). Ясама сифатлар (масалан, *froh* – хурсанд, *gestrige* – кечаги, *eiserlich* – темирли ва ҳакозо.

3). Қўшма сифатлар (масалан, *schneeweiß* – қордек оқ, *zweistockig* – икки қаватли, *vielmalig* – кўп маротаба ва ҳакозо) [8; 79].

Немис тилида отлашган сифатлар кўп учрайди, масалан: *Ein rosafarbiges Kind* – қизилгина юзли бола; *eine cremefarbene Tasse* – малла рангли чашка; *Eine rosaarte Krawatte* – қизил ранг галстук, *ein olivgrüner Rock* – зайтун баргидек яшил юбка. *Ein Kleid in Rosa* – атиргулли куйлак.

Ўзбек тилида сифатларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1). Оддий сифатлар: *оқ, қора*.

2). Ясама сифатлар: *кечаги, бурунги*.

3). Қўшма сифатлар: *бинафша ранг, тўқ қизил, оқ – сариқ*.

4). Жуфт сифатлар: *узун – узун, катта – катта, баланд – баланд* [5; 47].

Ҳозирги замон немис тилида сифатлар қуйидаги кўшимчалар ёрдамида ясалади:

*-ig* – бу кўшимча орқали сифатлар от ва равишдан ясалади: *Macht* – *mächtig*, *Sonne* – *sonnig*, *bald* – *baldig*;

*-lich* – бу қўшимча ёрдамида сифатлар феъл ва отдан ясалади, масалан, *lichen – lächerlich, weib – weiblich, Monat – monatlich*;

*-isch* – ушбу қўшимча ёрдамида отдан сифат ясалади, масалан, *Usbek – usbekisch, Tier – tierisch*;

*-bar* – ушбу қўшимча орқали феълдан, отдан сифат ясалиши мумкин: *nutzen – nutzbar, hören – hörbar, essen – eßbar*;

*-haft* – ёрдамида отдан сифат ясалиши мумкин: *Held – heldenhaft, Meister – meisterhaft*;

*-sam* – ёрдамида феълдан, отдан сифат ясалиши мумкин. *Schweigen – schweigsam, Sorge.– sorgsam, lange – langsam*;

*-los* – ёрдамида отдан сифат ясалади: *Arbeit – arbeitslos, Hilfe – hilflos, Geld – geldlos*.

Сифатлар семантикасига кўра аслий ва нисбий турга бўлинади [7; 108]. Немис ва ўзбек тилларида *аслий сифатлар* нарса, предмет ёки шахснинг хусусиятини белгилайди, масалан:

- 1). Рангни: *қизил, қора, яшил, кўк*.
- 2). Бўйни: *узун, калта, баланд, юқори, паст, кенг*.
- 3). Ҳажмни: *огир, енгил*.
- 4). Ёшни: *қари, ёш*.
- 5). Маза-таъм: *аччиқ, чучук, ширин*.
- 6). Турли хил психологик хусусиятларни: *эли, овсар, ақлли* ва бошқ.

Таъкидлаш жоизки, немис тилида бўй, ёш, ҳажмни ифодаловчи сифатлар барчаси “*sein*” ёрдамчи феъли билан боғланади, улар қуйидагилардир: *dick, lang, hoch, entfernt, wert, groß, breit, tief, weit, schwer* ва ҳоказо. Бир қанча сифатлар ҳам борки, улар Dativ (жўналиш) келишигини бошқаради. Бундай сифатлар салбий, ижобий, дўстлик, душманлик, ўхшашлик каби хусусиятларни ифодалайди (масалан, *nützlich, fremd, feindlich, dankbar*).

*Ich bin meinem Lehrer für jeden nützlicher Rat dankbar.*

*Im Charakter ist mein Bruder mir ganz fremd.*

Кўпчилик аслий сифатлар немис тилида тўлалигича турланиш хусусиятига эга. Улар турланади, даражаларига эга ва гапда аниқловчи ҳамда от кесим вазифасида қўлланиши мумкин. Нисбий сифатлар отлардан, феъллардан, равишлардан ташкил топади, яъни:

1). Бир жисмни бирон бир жисмдан олинганлигини *Gold, Seide, Eisen*;

2). Ўрин жой ва вақт аломати; *dortlich* - у ерлик, *gestrig* - кечагу, *täglich* - кунлик, *monatlich* - ойлик;

3). Бошқа бир тушунча, аломат белгиси билан: *kindlich* – болаларча, *mühsam* – чарчаган, *regnerisch* – ёмғирли.

Ҳозирги замон немис тилида қўшма сифатлар ясалиши сермахсул [8; 21], масалан: *amethystblau, rubinrot, smaragdgrün, maisgelb, taubengrau, grasgrün, mandelbraun, olivgrün, weinrot, kafeebbraun, frühlingsgrün, schneeweiß, feuerrot*.

Баъзан қўшма сифатларнинг ясалиши мураккаб, масалан: *Billardgrün, wollweiß, naturschwarz, tiefblau, hellrot, dunkelgrün*.

Немис тилида нисбий сифатлар ўзбек тилидагига нисбатан кам тарқалган, чунки немис тили учун сўз яшаш продуктив тил ҳодисаси ҳисобланади ва шу сабабли мазкур тилда ясама ва қўшма сифатлар кўп учрайди [6; 97].

Демак, немис ва ўзбек тилларида сифатлар ясалиши ва гапдаги вазифаларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, немис тилида сифатлар олд қўшимчалар (префикслар) ёрдамида ҳам ясалади, ўзбек тили учун бу хусусият шартли равишда бегона, чунки ўзбек тилидаги кўпгина префиксли сифатлар ўзлаштира, яъни форс, тожик тилларидан кириб келган. Немис тилида сифатлар партиципли конструкцияларни ҳам префикс ҳамда суффикс ёрдамида ясайди. Ўзбек тилида эса бундай конструкцияли сифатлар мавжуд эмас.

Немис тилини ўрганишда сифатларнинг ўзбек тилидаги фарқларини билиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Байманов Ҳ.А. “Инсон характериға хос сифат лексемаларнинг функционал-семантик хусусиятлари (немис ва ўзбек тиллари мисолида)// Автореф: дисс. ...ф.ф.док. (PhD). Тошкент. 2019.  
филол. наук. - М., 1995. – С. 32.
2. Мандельштам О.Э. Слово и культура. М., 1987.
3. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. М., 1993.
4. Фуко М. Слова и вещи. Археология гуманитарных наук. СПб., 1994.
5. Ҳамдамова И. Ўзбек тилидаги сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг “Ўзбек тили изоҳли луғати”да берилиши: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. Тошкент, 1964.
6. Benjaminov J.R. Vergleichende Typologie der deutschen und usbekischen Sprache. O'qituvchi, T.: 1978.
7. Engel Ulrich. Deutsche Grammatik, Heidelberg, Verlag 2008.
8. Schippan Th. Entwicklungstendenzen im deutschen Wortschatz der Gegenwart. Berlin, 2004.